



**ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВА ОЗУҚАСИ ЭКИНЛАРИ
ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ОЗУҚА ЕТИШТИРИШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

2019 йил 12-13 апрель



- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш;

- агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш, агросаноат мажмуи кирувчи тармоқларнинг мутаносиб ривожлантирилиши;

- бошқарув тизимини ривожлантириш ҳисобига у билан боғлиқ харажатларни тежаш;

- кишлоқ жойларда иқтимоий ривожланишни таъминлаш.

Чорвачилик тармоғига ривожлантиришда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим: худудларнинг табиий-иқтисодий шарт-шароити, кишлоқ хўжалиги тармоғининг ихтисослашув йўналишлари, чорвачилик тармоқларининг жойлаштириш аҳоли, худуд аҳолисининг ўз суръатлари, аҳоли бандлиги даражаси ўзгариши ва шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Шунинг учун ҳам худудларнинг ва чорвачилик тармоғининг жойлашуви, фаолият юритиши борасидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда чорвачилик тармоғини ривожлантиришда куйидаги омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- чорвачилик маҳсулотларини сотиш ва чорвачилик маҳсулотларини талаб шаклланиши худудий хусусиятларга эга. Шунингдек, маҳалла аҳолининг миллий таркиби ва ананалари ҳам маҳсулот истеъмолига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бозорларининг мавжудлиги ва бозорлар ҳажми ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим;

- чорвачилик тармоқларининг ихтисослашув йўналишлари ва чорвачилик моллари бош сонининг ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажмларининг ўзгариши динамикасидаги ўзгаришлар ҳисобга оlinиши лозим;

- чорвачилик худудларида чорвачилик фермер хўжалиқларининг тарқоқлиги ва географик жиҳатдан бозорларга нисбатан ва хўжалик кўрсатиш марказларига нисбатан турли масофаларда жойлашганини ҳисобга оlinиши лозим;

- чорвачилик худудларида доимий равишда тармоқ учун зарур ресурсларни сотиб олиш, насли молларга эга бўлиш, хизматларни фойдаланиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни энг кўп фойда оlinиши ҳолда сотиш борасидаги ахборотлар етишмаслиги хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этишда ҳисобга оlinиши лозим;

- маҳсулотларни сотиш тизимининг бозор талабларига ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи тармоқлар фаолияти хусусиятларига жамият бермаслиги туфайли, фермернинг ишлаб чиқаришга жалб қилиниши

инвестицияси қайғими таваққалчилиги хавфининг юқорилиги ҳисобга оlinиши лозим.

СОЯ - ЧОРВА ОЗИҚАСИ ҲАМ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ

б.ф.н., Жумаев Ф.Х. - БухДУ доценти,
Хикматова Ю.Б. - магистр.

Соя — экинни қишлоқ хўжалик экинлари ичида энг қимматли экинлар гуруҳига кириб, у юз фоизли қайта ишлаш технологиясига мансуб бўлиб, кишлоқ хўжалигида ер унумдорлигини оширишда, чорвачиликда чорва ва парранда озуқа бирлигини оширишда, қандолатчилик саноатини маҳсулоти сифатида, ёғи ва оксилни инсон саломатлиги бўйича муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Соя ўсимлигини Бухоро туپроқ-иқлим шароитида ўсиш- ривожланиши ва ҳосилдорлигини хар монлама ўрганиб юқоридagi соҳа ва тармоқларни шу худудда ривожланишида катта аҳамият касб этади. Соя Ўзбекистонга биринчи марта 1930 йилда Хитойдан Узоқ Шарқ орқали кириб келган. Соя экинни Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ ва Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманларига экила бошланган. Ёзги юқори температура ва паст ҳосилдорлик ҳисобидан республикада етиштириш имконияти йўқ дейилиб, екинни етиштиришни тўхтатишган. Ўзбекистонда сояни ўрганишнинг дастлабки тажрибалари 1933-1934 йилларда Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган бўлиб, кейинчалик Тошкентда Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг селекционери Салъас Михаил Михайлович ном эгтрган. Соя ўсимлиги, оқили озиқ-овқат маҳсулотлари сўказиб берувчи, чорва ва паррандалар учун тўйимли озуқа, шунингдек туپроқ унумдорлигини оширувчи бўлиб ҳисобланади. Республикада соя нисбатан янги экин, етиштириш агротехнологияси ҳам кўпчилик фермерларга нотаниш. Биринчи марта 2017 йилда катта майдонларда трисноллардан келтирилган соя навларини асосий экин сифатида 8 минг, зерорий экинга 13,8 минг гектар экилди. Жъами 21800 гектар майдонга олинди ва ўртача ҳосилдорлик жуда кам 15-17 центнер ҳосил олинди. Ўзбекистон навлари экинган хўжалиқларда ҳосилдорлик 15-22 ц/га ташкил этиш. Аммо Краснодардан олиб келинган эртагишлар назларнинг дони оқили яхши бўлмади, ўртагишлар навлар яхши бўлди. Қишлоқ хўжалик шароитидан юқори ҳосил олинди туپроқ унумдорлиги муҳим биологик аҳамиятга эга, чунки туپроқда биологик жараянлар кечиб, микроорганизмлар иштирокида мураккаб органик моддалар парчаланиб,

Ўсимликлар ўзлаштирадиган фаол моддаларга айланади. Тупроқда микроорганизмлар миқдори, уларнинг фаолиги тупроқни механик таркиби, зичлиги, гумус миқдори, намлик даражаси ва бошқа омиллар боғлиқ.

Соя уруғларини ризоторфин азотобактерия билан ишлаб экиш мақсад унинг илдизларида азотобактерия туғанаклар ҳосил қилиш бўлиб қуйидагича бажарилади: 200г ризоторфин пакетидаги торф кукунни 1 литр сувга солинади ва брезент устига тўкилган соя уруғи яхшидан аралаштирилиб бир-бир ярим соат чамаси ўраб қуйилади. Фақат ризоторфинга қуёш нури тушмаслиги керак. Соя ўзидан кейин 60кг соя азот қолдириб кетади. Соядан даромад олишларида ишонмагаларга соя донини қанча сўмга сотганини тахлил қилиб кўрайлик. Бир гектар майдондан жуда кам ҳосил деб ҳисоблаганимизда ҳам 13 центнер соя дони



ийгиб олинса фермерлар соя донини 3 млн 900 минг сўмга сотишади. Яна шу майдондан гектарига 50 центнер куруқ поя ҳам йиғиб олишса, боғ қилиб боғлаб сотишса буни ҳам бир боғи 3 минг сўм бўлса 300 та боғни сотишдан 900 минг сўм даромад бўлади. Демак жами даромад миқдори бир гектардан 4 миллион 800 минг сўм бўлади. Агарда шу ҳосил миқдори бордию 20 центнер бўлса-чи даромад камида 7 млн дан ортиқ бўлади. Соя ризоторфин билан экилганда ўзидан кейин тупроқда 50-60 кг соф азот қолдириб кетади. Бу дегани тупроқ ўзида келгуси экин учун соф азотни сақлаб турибди дегани. Дехқончилик тизимида алмашлаб экин пайдо бўлади.

Бу ўсимлик иссиқликка талабчан. Унинг уруғлари уна бошлашида 12-14°C, майса ҳосил бўлиши учун 18-20°C ҳарорат маъқул ҳисобланади. Соянинг энг эртагишар навлари учун 1600 -1700°C, ўртагишар навлари учун 2000-2200°C, кечгишар навлари учун эса 2800-3000°C ҳарорат зарур. Бир центнер соя дони олиш учун 4-5 кг азот, 2,3-2,5 кг фосфор ва 3,5-3,7 кг калий сарфланади. Соя Ўзбекистондаги шўри ювиладиган ҳамма тупроқларда яхши ўсиб, ҳосил беради. Соянинг Ўзбекистонда “Орзу”, “Нафис”, “Тенгизик-1”, номли эртагишар, “Дўстлик”, “Тўмарис”, “Ойжамол”, “Ўзбекская-2”, Парвоз номли ўртагишар ва “Барака”, “Ўзбекская-6” кеч гишар навлари яратилган. Эртагишар навлари 75-90

кунла, ўртагишар навлари 100-120 кунда ва кечгишар навлари 135-140 кунда пишиб етилади. Соянинг ҳосилдорлиги навларига жуда боғлиқ.

Чорва маҳсулдорлигини ошириш учун хайвонлар соя еми билан озиқлантирилганда уларнинг суткалик вазн ортиши икки баробарга ошади. Бунда 100 кг тирик вазнга эришиш учун озиқлантириш даври 10-15 кунга қисқаради, маҳсулот сифати эса ортади. Ем-хашак мақсадда соянинг кунжараси, шроты, уни ва кўкетидадан фойдаланилади. Кунжаранинг таркибида 38,7% протеин, 5,5% мой мавжуд. Соя кунжарасида уни бузоқлар рақсонидида сут ўрнини босади. 1 т соя донидан таркибидида 40% протеин ва 1,4% мой булганда 750-800 кг шрот олиш мумкин. У чорва учун қимматли концентратланган ем ҳисобланади.

Соянинг кўкати ҳам қимматли ем-хашакдир. Унинг энг юқори озуқалик қиммати гуллаш ва доннинг тўлиши даврида йиғиб олинганда кузатилади. Соя кўкатининг бир озуқа бирлигига 145-301г протеин тўғри келади. Унинг кўкатида каротин, оксил ва кальций миқдори бошоқли экинларникига нисбатан анча кўп. Соя пичани ҳам қимматли ҳисобланади, унинг 1 кг да 0,47-0,54 озуқа бирлиги, 110-150 г протеин мавжуд, соя ноҳоли ҳам ем-хашак сифатида ишлатилиши мумкин. Унда 2-4,8% протеин, 1,5-2,9% мой мавжуд. Қисқача хулоса қилинадиган бўлса соя-чорва учун қимматли озиқа ва тупроқ унумдорлигини оширишда деҳқончиликда алмашлаб экишда катта аҳамиятга эга ўсимлик ҳисобланади.

ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШДА АГРОЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

к/х.ф.н Халматова Ш.
Фарғона давлат университети

Мустақил Республикамизда аҳоли эҳтиёжларини экологик жиҳатдан тоиф озиқ-овқат ва чорва маҳсулотлариغا бўлган эҳтиёжларини қондиришда экинлардан сифатли юқори ҳосил олиш қишлоқ хўжалиги ходимларини долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида экинлардан сифатли ва юқори ҳосил олишда мавдан ўғитлари миқдори билан биргаликда ўсимликларни ўсув даврида ўғитлаш муддатлари шу ўсимликдан олинган ҳосилнинг миқдорига ҳамда тупроқнинг экологиясига таъсири борлиги жуда катта аҳамиятга эга.

Бу вазифани бажаришда озуқабоп ўсимликлардан мақсажўхори муҳим ўрин тутади. Мақсажўхори етиштиришда атоф-мухит